



РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Назаров Суннатулла Амириллоевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази мустақил изланувчиси. Тошкент, Ўзбекистон.
nsunnatulla@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a31

Аннотация

Мақолада рақамлаштириш асосида солиқ текширувларини ташкил этиш бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, ушбу солиқ текширувларининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида илмий амалий аҳамияти ўрганилган.

Калит сўзлар: камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити, солиқ назорати, солиқ мониторинги.

Аннотация

В статье проведено исследование организации налоговых проверок на основе цифровизации, а также изучены теоретические аспекты данных налоговых проверок. Зарубежные и отечественные экономисты изучили научную и практическую значимость действующих нормативно-правовых документов.

Ключевые слова: камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговая проверка, налоговый контроль, налоговый мониторинг.

Abstract

In the article, a study was conducted on the organization of tax audits based on digitalization, and the theoretical aspects of these tax audits were studied. Foreign and domestic economists have studied the scientific and practical significance of existing regulatory and legal documents.

Key words: camera tax audit, mobile tax audit, tax audit, tax control, tax monitoring.

Кириш

Бугунги кунда жаҳонда жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларида ўзгаришларга сабаб бўлаётган янги ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) кенг миқёсда жорий этилиши барча соҳаларда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. АКТнинг ривожланиши натижасида ахборот узатиш тезлиги ва ҳажмининг ошиши, электрон тижоратнинг ўсиши, янги бизнес моделлари ва тадбиркорликнинг янги турлари пайдо бўлмоқдаки бу барча соҳани унга мослашиш керак эканлигини заруратга айлантириб қуймоқда. Жумладан, давлатнинг асосий функцияларидан бири бу назорат деб

айтадиган бўлсак, ҳозирги замонавий иқтисодиётнинг асосий фискал ва тартибга солиш воситаси бу солиқ назорати десак хато бўлмайди. Шундай экан бу соҳани ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантириш бугунги давр талабидир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда АКТларини модернизация қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро алоқани масофавий тарзга ўтказиш, барча иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни АКТларини кенг қўллаш орқали тўлиқ автоматлаштириш ва интерактив давлат хизматлари сонини кенгайтириш, иқтисодиётда хуфёна фаолиятни қисқартириш, шаффофлик даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлик учун тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида солиқ органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда солиқ назорати тизимини солиқ тўловчилар фаолиятига аралаштириш, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида «инсон омили»ни ҳамда коррупция ҳолатларни камайтириш имконини берувчи масофавий таҳлил ишлари асосида ташкил этиш каби қатор устувор вазифалар белгиланди.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда солиқ назоратини рақамлаштириш асосида ташкил этилиши солиқ органларида солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш ва таққослаш имконини бериб, бу орқали инсон омилини камайтириб, соҳадаги шаффофликни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса соҳани рақамлаштиришга ўтказиш бўйича чора-тадбирларни пухта ишлаб чиқиб, уни жадалаштириш, шунингдек, хорижий илмий тадқиқотларни ўрганиш асосида керакли тажрибаларни амалиётга мослаштириш ҳамда жорий этишни заруратга айлантирмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақамлаштиришнинг жорий даврдаги аҳамияти барча соҳаларда ижобий таъсирга эгаллиги исботланиб келмоқда. Жумладан, иқтисодий соҳаларда ҳам унинг жорий этилиши фақат иш унумдорлигининг ошишига, инсон омилининг камайишига таъсири аллақачон ўз тасдиғини топаяпти. Рақамлаштиришнинг иқтисодий секторга таъсири, хусусан, солиқ текширувларидаги аҳамияти бўйича бир қанча иқтисодчи олимлар тадқиқот ишларида ижобий натижалар олишган.

“Рақамлаштириш - бизнес моделини ўзгартириш ва янги даромад ва қиймат яратиш, имкониятларини тақдим этиш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш - бу рақамли бизнесга ўтиш жараёнидир” [1].

“Дунё янги технологиядан қандай ўзгариши мумкинлигини тушуниш учун технология ўз-ўзидан янги фазилатларни яратишини таъкидлаш муҳимдир” [2].

Р.Холлей[3], Арсение-Самоил[4] томонидан қўллаб-қувватланган ва FAR [5] 2015-2016 ўз ҳисоботларида “ташкилотларни рақамлаштириш аудиторлик касбининг олдини олиш мумкин бўлмаган муқаррар таъсир деган хулосага келади”.

“Аудиторлик касби ҳозирда кўпроқ рақамли ташкилот томон парадигма силжишида бўлганлиги сабабли, касбдаги ўзгаришлар муқаррар” [6].

Шу ўринда айтиш керакки, ҳозирги даврда дунёдаги технологияларнинг ривожланиб бораётганлиги барча соҳаларни қайта кўриб чиқишга ундамоқда. Жумладан, солиқларни рақамли форматда топшириш ёки электрон шаклда сёт-фактураларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар солиқ тизимининг

самарадорлигини ошириш билан бирга, иқтисодий ўсишга ҳам туртки беради. Солиқ тўловчилар табиий равишда фойдаланадиган тизимларга солиқни киритиш, масалан, бухгалтерия дастурлари, соҳадаги ўзгаришларни осон ва кўринмас ҳолга келтириши мумкин.

Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган бозорлар ўртасида солиқ маъмуриятчилигини муваффақиятли рақамли трансформация қилиш учун салоҳиятни ошириш ва унинг учун глобал ечимларни ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, солиқ ва ахборот технологияларни уйғунлаштириб, солиқ маъмуриятчилиги томонидан фойдаланиш учун рақамли давлат товарларини аниқлаш, устуворлик қилиш, молиялаштириш ва жорий этиш механизмини яратишни ўрганиш бугунги кунда долзарблашиб бормоқда.

Ф.Исаев ўз тадқиқотларида солиқ идораларининг рақамлаштирилиши борасида “технология аслида солиқ идораларининг имкониятларини кенг кўламларда кенгайтормоқда, иш фаолияти самарадорлигини ошириш, солиқ тўловчиларга хизматларни такомиллаштириш ва фаолият билан боғлиқ юктамаларни камайтириш имконини бермоқда” [7] деб фикр билдириб ўтган.

Дарҳақиқат, солиқ маъмуриятчилиги асосий эътиборни солиқ тўловчилар маълумотларини оддийгина қайта ишлашдан қонунчиликка риоя қилиш, сиёсат ва самарадорликни яхшилашга қаратишлари керак. Замонавий даромад стратегиялари кўп жиҳатдан рақамли платформаларда ишлаши керак, чунки улар муҳим сиёсат мақсадларини самарали амалга ошириш учун зарур.

Рақамли ахборотлаштириш солиққа тортишнинг кенг таъсир доирасига эга бўлиб, солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятига ички ва халқаро миқёсда таъсир қилади, янги воситаларни таклиф қилади ва янги муаммоларни келтириб чиқаради[8].

Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти хусусида фикр билдирган олимлардан С.Гупта ва бошқалар шундай деб таъкидлайди: “Рақамлаштириш солиқ маъмуриятлари фаолиятини ўзгартириб, жараён самарадорлиги ва хизматлар кўрсатишни яхшилашга ёрдам беради. Ёрқин мисол – фирмалар ва солиқ органи ўртасида ҳисоб-китоб маълумотларини автоматик тарзда ўтказиш имконини берувчи электрон ҳисобварақ-фактуранинг (е-инвойсинг) қабул қилиниши” [9].

А.Барреих ва Р.Замбрано эса: “Солиқларга риоя қилишни кучайтириш ва харажатларни камайтириш потенциалидан келиб чиққан ҳолда, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари, шу жумладан, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи минтақасидаги ўнта мамлакатда электрон ҳисоб-фактурани жорий қилган” [10].

Ф.Исаев ўз тадқиқот ишида рақамлаштиришнинг солиқ маъмурчилигидаги аҳамиятини ўрганиб, унинг самарадорлигини қўйидагича изоҳлаган: “рақамлаштириш солиқларни таҳлил қилиш ва улар бўйича аниқ ҳулосаларни шакллантиришга хизмат қилади. Рақамли иқтисодиётнинг солиқ тизимида жорий этганда:

- йирик корхоналар томонидан қўлланилган солиқларни тўлашдан бош тортиш тизимларнинг кенг доирасига ойдинлик киритади, бу адолатли солиққа тортиш зарурлиги тўғрисида жамоатчилик ўртасида қизғин мунозараларни келтириб чиқаради;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, статистик ва солиқ ҳисоботларини тезда таҳлил қилиш имконини беради;

- таҳлика-таҳлил ишларини йўлга қуйганда, керакли ҳисоботлар асосида тезда маълумотларни қайта ишлаб, хулоса олишини соддалаштиради;

- ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича объектив баҳо берилишини таъминлайди;

- ҳозирги вақтда фойдаланувчи маълумотлари муҳокама марказида бўлсада, иқтисодийнинг рақамлаштирилиши маълумотларнинг кенг спектрларини яқин келажақда ақли маълумотларга айлантиришга ёрдам беради” [7].

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада соҳага оид маълумотлар таҳлил қилиниб, мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, хулосаларни шакллантиришда анализ, синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар қандай янгиликни амалга оширилишида доим ҳукуматларнинг таъсири доим катта бўлган. Уларнинг соҳаларга бевосита таъсирга эга эканлиги ҳар қандай ислохотнинг самарали ва пухта ижросини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонида Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодий тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида барча соҳалар қаторида солиқ соҳасини рақамлаштиришга оид ҳам бир қанча вазифалар белгилаб берилди. Хусусан:

- солиқлар ва молиявий ҳисоботларни, шунингдек айрим солиқ турлари бўйича ҳисоб-китоб маълумотномаларини электрон кўринишда тақдим этиш бўйича қўлланма тайёрлаш;

- солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳудудида мобил иловалар билан фойдаланиш учун юқори тезликли WI-FI ҳудуд яратиш;

- солиқ тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, инсон омилини тўлиқ бартараф этадиган солиқ назоратини амалга оширишни назарда тутувчи «Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулотини яратиш;

- солиқ аудитининг ҳар бир қадамини автомат тарзда қайд этиб борадиган ва уни ижросини назорат қилувчи Солиқ аудитининг назорат тизимини яратиш;

- солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобини юритишда ягона идентификатор сифатида солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)дан фойдаланишдан босқичма-босқич жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)дан фойдаланишга ўтиш;

- Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари комплексининг ягона платформасини яратиш;

- кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларини ушбу объект бўйича рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамлари (ЖШШИР)


ва солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари (юридик шахслар учун) билан боғлаш [11].

Ҳукумат томонидан рақамлаштиришга доир бир қанча чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Албатта, бундай ислохотларнинг ижобий самараси илмий амалий изланишларга ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, соҳага оид ҳақиқий муаммоларни юзага чиқаришни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида рақамлаштириш кўплаб афзалликларга эга бўлсада, ўзгаришларни бошқариш, етказиб бериш қобилияти, солиқ тизимининг асосий мураккаблигининг мавжудлиги, яъни қоидалар ва эски тизимлар, рақамли ютуқларга риоя қилиш учун зарур қонунчиликка эга бўлиш каби муаммолар ҳам мавжуд.

Бироқ, баъзи солиқ тўловчилар солиқ органи билан ўзаро алоқада рақамли усуллардан фойдаланишга қодир эмаслиги ёки истамаслиги сабабли ўзгарувчан талабларга риоя қила олмайди. Бунинг сабаблари кўп, масалан, рақамли кўникмаларнинг етишмаслиги, онлайн мулоқотга ишончсизлик, ишончли интернет инфратузилмасидан узоқда жойлашганлиги, қашшоқлик ёки ногиронлик каби омиллардир. Шунинг учун солиқ органлари рақамлаштиришни истисно қилганларнинг турли гуруҳлари учун турли хил жавобларни ҳисобга олишлари керак бўлади ва бу ҳар қандай рақамли ривожланиш дастури учун асосий муаммо сифатида кўрилиши лозим.

Солиқ соҳасида рақамлаштиришнинг жорий этилишини ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Солиқ соҳасини рақамлаштиришнинг ижобий аспекти [14]

1-расмга изоҳ берадиган бўлсак, аввало, солиқ базасини кенгайтиришга тўхталамиз. Бунда, маълумотларга асосланган ёндашувлар солиққа тортиш даражасини мажбурий равишда оширмасдан бўшлиқларни ёпиш ва ўтказиб юборилган имкониятлардан фойдаланиш учун ишлатилиши мумкин. Бундай чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҚҚС ва божхона тўловларини ундиришда қулайлик яратиш мақсадида электрон тижорат платформаларидан савдолар тўғрисида ҳисобот беришни талаб қилиш;

- амалдаги рағбатлантириш дастурлари бўйича енгиллик сўраган фуқароларнинг солиқ тўловлари бўйича ўтган аризаларини мувофиқликни текшириш учун таҳлил қилиш;

- ер реестрини солиқ тўловчининг файлига мослаштириш орқали мол-мулк солиғини ундиришни қўллаб-қувватлаш.

Шаффофлик ва ишончни ошириш. Солиқларни рўйхатга олиш, ариза бериш, тўлаш ва низоларни ҳал этиш бўйича электрон платформаларнинг яратилиши фуқаролар учун жараёнларни тушунарли қилади, солиқ тўловлари ҳақиқий давлат ҳисобига тушишига кафолат беради ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрини суистеъмол қилиш хавфини камайтиради. Очиқ Алгоритм каби технологияларни жорий этиш тадқиқотчиларга, таҳлил марказларига ёки ҳар қандай фуқарога шахсий идентификация қилинадиган маълумотлардан фойдаланмасдан мустақил равишда солиқ маълумотларини таҳлил қилиш имкониятини беради. Бу мисли кўрилмаган шаффофликни таъминлайди.

Мувофиқлик юкини камайтириш. Биламизки, сўнгги йилларда одамлар ва бизнес учун солиқ тўлаш осонлашмоқда. Ҳозирда солиқ тўловчилар электрон ҳужжат топшириш тизимидан фойдаланилмоқда, бу олинги йиллардагидан икки баравар кўп. Рақамли технологиялар солиқларни тўлаш учун сарфланадиган вақтни, шунингдек, солиқ тўловчилар ҳар йили тўлаши керак бўлган индивидуал тўловларнинг умумий сонини қисқартирмоқда.

Маъмурий самарадорликни ошириш. Ҳукуматлар ахборот технологияларидан фойдаланишда етуклашган сари, улар сезиларли самарадорликка эриша оладилар. Рақамли трансформацияни бошлаган мамлакатлар учун қоғозга асосланган ёзувларни сунъий интеллект ёрдамида қўлга киритиш маълумотларни рақамлаштириш ва ишончлилигини тезлаштириши мумкин. Шунингдек, илғор солиқ маъмуриятчилиги учун кам ҳисобот беришни аниқлаш учун илғор таҳлиллардан фойдаланиш асосий қиймат омили бўлади.

Ўсиш ва бошқа сиёсат мақсадларини илгари суриш. Фуқаролар маълумотларининг марказий депозитарийси сифатида солиқ маъмуриятчилиги солиққа оид бўлмаган мақсадларга эришишда тобора ортиб бораётган роль ўйнайди. Масалан, солиқ тўловчи маълумотларидан фойдаланиб: нақд пул ўтказмалари дастурлари бўйича бенефициарларни текшириш, соғлиқка зарарли таъсир кўрсатадиган маҳсулотлар (масалан, алкоголь ва сигареталар) истеъмолини назорат қилиш, углерод чиқиндиларини чеклаш бўйича солиқ сиёсати чораларини моделлаштириш, иқтисодиётдаги ўсиш омилларини аниқлаш, меҳнат бозоридаги ҳуқуқбузарликлар ва жамиятнинг заиф қатламлари фаровонлигини аниқлаш шулар жумласидандир.

Рақамлаштиришнинг яна ижобий хусусиятларига қўйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

Солиқ декларациялари бўйича, солиқ органи солиқ тўловчи тўғрисида иш берувчилар ва бошқа давлат идоралари каби бошқа манбалардан ишончли ва сифатли маълумотларга эга бўлса, солиқ декларациясини олдиндан тўлдириш мумкин.

Электрон ҳисоб-фактура: бу одатда стандартлаштирилган форматлар тўпламидан ва солиқ органига нухасини юборадиган счёт-фактураларни жўнатиш тизимидан иборат.

Ҳақиқий вақтда маълумот: бу солиқ органларига нафақат солиқ маълумотларини текшириш учун фойдали бўлган, балки марказий ҳукумат режалаштириш, иқтисодий сиёсат ёки таъсирларни синаб кўриш учун ишлатилиши мумкин бўлган иқтисодиётнинг юқори сифатли кўринишини таъминлайдиган кўплаб маълумотларни тақдим этиши мумкин. реал дунёдаги сиёсат. Ҳақиқий вақтда маълумотларнинг муҳим таъсири

шундан иборатки, у бизнесдан уни қўллаб-қувватлаш учун рақамли тизимга ўтишни талаб қилади.

Мақсадли аудит фаолияти: солиқ тўловчилар тўғрисидаги батафсил ва ўз вақтида олинган маълумотлар, агар тўғри фойдаланилса, мақсадли аудит ва бошқа мувофиқлик фаолиятини янада самаралироқ қилишга ёрдам беради.

Интеграциялашган солиқ тизимлари: агар солиқ автоматик ва солиққа тортиладиган фаолият билан бир хил тизимнинг бир қисми бўлса, бу уни кўпчилик фойдаланувчилар учун дарҳол ва кўринмас қилади ва ихтиёрий риоя қилишга боғлиқ эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигида амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётимизга салмоқли таъсир кўрсатиб, солиқ текширувларини автоматлаштириш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб, жорий даврда такомиллаштириб келинмоқда.

Сўнгги йилларда солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали самарадорликни ошириш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 359-сон Қарори натижасида ҳисобот топшириш жараёни 5-7 баробаргача қисқариши, маълумот алмашиш тезлиги 10 баробарга ошиши, маълумотлар базаси ҳажми 1 петабайтгача етиши, бюджетгача қўшимча тушумлар 20 трлн.гача ошиши, хуфиёна иқтисодиёт даражаси 50 фоизгача камайиши, инсон омили 60 фоизга қисқариши ва коррупция олди олиниши, солиқларнинг ихтиёрий тўлаш 80-85 фоизгача етказилиши, хизматлар автомалашиб, сифати ошиши ҳамда маълумотлар хавфсизлиги 100 фоизгача етказилиши, маълумотларни қайта ишлаш тезлиги 10 баробаргача ошиши режалаштирилган[12].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва уларни солиқ хавфи даражаси бўйича тоифалаш тартиби тўғрисида” Низом солиқ органларида солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва уларни солиқ хавфи даражаси бўйича тоифалаш тартибини белгилайди[13].

Ҳозирда солиқ хавфини таҳлил қилиш ва натижаларини баҳолаш дастурий маҳсулотни қўллаш орқали амалга оширилади. Низомга кура “солиқ хавфини таҳлил қилиш мақсадида ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган манбалардан олинган маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади[13]:

харажатлар ва даромадлар миқдори, уларнинг динамикаси, солиқ мажбуриятлари ўз вақтида бажарилиши, жорий солиқ даврида ҳисобланган солиқларнинг аввалги солиқ даврларида ҳисобланган солиқлар миқдorigа мувофиқлиги (камайиши, кўпайиши);

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан солиқ органларига тақдим этилган маълумотлардаги кўрсаткичларнинг солиқ тўловчиларнинг солиқ ва молиявий ҳисоботларидаги кўрсаткичларига мувофиқлиги;

фойдаланилган солиқ имтиёзларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

соф фойданинг соф тушумга (товарлар ва хизматлар реализация қилишда олинган даромад акциз ва қўшилган қиймат солиғисиз ҳисобланган сумма) нисбати сифатида аниқланадиган рентабеллик кўрсаткичи ҳамда соф фойданинг харажатларга нисбати каби рентабеллик кўрсаткичи.

Хулоса

Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаш керакки, солиқ текширувларини такомиллаштиришда, инсон омилини камайтириш ва шаффофликни таъминлашда солиқ соҳасини рақамлаштириш ўта муҳимдир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, натижаларни доимий равишда танқидий мониторингини йўлга қуйиш лозим. Чунки ислохотларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда тартиб-тамоийилларнинг ҳозирги замонга мослашувчанлигини ошириш ва самарасиз ислохотларни оммавий жорий этилишдан тийилиш ортиқча ресурсларнинг сарфланишини олдини олиб, вақтни тўғри тақсимлашимизга имкон беради.

Шу билан бирга солиқ маъмуриятчилиги соҳасида рақамлаштиришнинг ривожланиши умуман солиқ назорати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, солиқ тўловчиларга барча солиқларни ихтиёрий равишда тўлаши учун имкон беради ва солиқдан қочиш ҳолатларининг камайишига таъсир эта олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Gartner (2016). IT Glossary. Gartner. <http://www.gartner.com/itglossary/Digitalization>. Retrieved 2017-04-10
2. Zuboff, S. (1988). In the age of the smart machine: the future of work and power. New York: Basic Books.
3. Holley, R. (2004). Developing a digitisation framework for your organisation. The Electronic Library, 22(6), 518–522. <https://doi.org/10.1108/02640470410570820>
4. Arsenie-Samoil, M. (2010). The Impact of Using New Information Technologies on Accounting Organizations. Retrieved from http://www.bursedoctorale.ro/public/documente/article/1335859752_Articol_rev_Mihalache_SD_FEAA_Mai2010_02.pdf
5. FAR. (2015). Framtidens rådgivning, redovisning och revision – En resa mot år 2025. FAR. (2016). Nyckeln till framtiden. FAR. Retrieved from https://www.far.se/globalassets/trycksaker-pdf/nyckeln-till-framtiden_uppslag.pdf
6. Spraakman, G., O’Grady, W., Askarany, D. & Akroyd, C. (2015). Employers’ Perceptions of Information Technology Competency Requirements for Management Accounting Graduates. Accounting Education, 24 (5), 403–422. <https://doi.org/10.1080/09639284.2015.1089177>
7. Исаев Ф. Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти. “Бизнес-эксперт”, илмий журнали 6-сон, 52-54 бет, 2021 й.
8. OECD (2018), “Tax and digitalisation”, OECD Going Digital Policy Note, OECD, Paris, www.oecd.org/going-digital/topics/tax

9. Sanjeev Gupta, Michael Keen, Alpa Shah, and Genevieve Verdier “Digital Revolutions in Public Finance” Chapter 2. “Digitalization and Taxation”. © 2017 International Monetary Fund. 26-27.

10. Barreix, Alberto D. and Raul Zambrano. eds. 2018. Electronic Invoicing in Latin America. Inter-American Development Bank. doi: <http://dx.doi.org/10.18235/0001038>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг инфографик манбаларидан фойдаланилган.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва уларни солиқ хавфи даражаси бўйича тоифалаш тартиби тўғрисида” Низом.

14. Муаллиф томонидан шакллантирилган

15. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишни такомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.

16. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.

17. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси.“ //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. – 2021.

18. Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>